



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 247 (10.300)

2004 ЙИЛ 22 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига бекиёс хисса қўшган академик адиб Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждоқларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш мақсадида ҳамда ёзувчи таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон
Республикаси
Вазирлар
Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини кўшимча равишда ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2005 йил 1 январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилсин.

Давоми 2-бетда.



САЙЛОВЛАР ЯҚИН

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 9-Бодомзор сайлов округи доирасидаги 551-сайлов участкасида ушбу муҳим сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари нихоясига етмоқда.

Сайлов участкасида овоз беришни ташкил этиш учун зарур бўлган барча жиҳозлар тахт. Сайловолди ташвиқоти давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар билан беш марта учрашувлар ташкил этилди. Хар бир учрашувда сайловчилар фаол иштирок этиб, номзодлар билан бевосита мулоқот қилиш ва уларнинг дастурлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

СУРАТДА: 551-сайлов участкаси иш фаолиятидан лавҳа.

Дилшод Юсупов (ЎЗА) олган сурат.

Биз билган ва билмаган тарих

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

Биринчи мақола

Мустақиллик халқни ўз тақдирининг ҳақиқий эгасига айлантиради, унинг ҳаётини ёруғ ва чароғон қилади, ҳар қандай миллатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва обрў-эътибор топиши учун пойдевор бўлади.

Ислом КАРИМОВ

1. Муқаддима

Ўзбекистон мустақиллиги, унинг тарихи ҳақида яқинда бўлиб ўтган бир суҳбатда Президент Ислом Каримов, жумладан, шундай фикрларни билдирди.

— Хар қайси халқ ва миллатнинг мустақиллик учун кураш йўлини ўзида муқаддас эътибор билан муқаддас тимсоллари бўлади.

Албатта, бутун халқ, бутун бир миллат шу йўлда курашиб, қанчадан-қанча авлодлар қон тўкиб, қурбонлар бериб эришган истиқлолнинг аҳамияти, қадр-қиммати ва баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Шуни унутмаслик керакки, мустақиллик шунчаки орзу-хавас эмас, балки шу заминни ўзига Ватан деб билган ҳар бир инсоннинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун сув билан хаводек зарур. Агар бу ғоя, бу тушунча халқимизнинг онгу тафаккуридан чуқур жой олса, бундай халқни ҳеч қандай куч енга олмайди.

Буюк шоиримиз Чўлпоннинг сўзлари билан айтганда, мустақилликка эришган халқ том маънода шиддатли тўқинга, қудратли денгизга ва бекиёс кучга айланади.

Модомики, мустақиллик шундай бебаҳо неъмат экан, биз истиқлолга осонликча эришмаганимизни асло унутмаслигимиз даркор.

Халқимизнинг бу йўлда мардона курашиб, не-не азоб-уқубатларини бошидан кечиргани, миллатнинг асл фарзандлари бўлмиш мутафаккир зотлар, зиёли инсонлар, саркарда ва етакчилар шу муқаддас ишга ўз ҳаётини фидо этгани бунинг яққол исботидир.

Дунёнинг турли мамлакатларида Ватан озодлиги учун олиб бориладиган жангу жадаллар, босқинчи ва мустамлакачилар устидан қозонилган ғалабалар, матонат ва жасорат намуналарини, шу мақсад йўлида берилган қурбонлар хотирасини мустақиллик тушунчаси ва ғояси билан бевосита боғлиқ ҳолда акс эттирадиган ёдгорлик ва обидалар мавжуд.

Мисол учун, Америка Қўшма Штатларида машъала кўтарган маъбудда тимсолидаги улкан Озодлик ҳайкали, Францияда пойида мангу олов ёниб турадиган улуғвор Зафар минораси, Германияда ғоят юксак Галаба илоҳазонининг ҳайкали қад кўтариб турибди. Уларнинг ҳар бири шу юрт, шу мамлакат халқларининг ҳуррият учун курашлар тарихи ва эзгу орзу-интилишларини ўзида намоён этади.

Ер юзиде ҳеч бир давлат йўқки, истиқлол йўлида қурбон бермаган, озодликка осонликча эришган бўлсин. Шунинг учун ҳам ҳар қайси мустақил мамлакатда мана шундай маъно-мазмунли муқаддас эътибор билан майдонларнинг бар-по этилиши табиийдир. Бундай майдонлар ҳақида қўшиқ ва достонлар ёзилади, халқ уларни табаррук зиёратгоҳ деб билади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўзгал пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Мустақиллик номи билан аталадиган бош майдоннинг ҳам ўзига хос тарихи ва тақдири бор. Ушбу ҳикоямиз шу ҳақда.

Давоми 4-5-бетларда.

XVI саҳоси
Барча малбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Адлия вазирлигида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, олимлар, ҳуқуқшунослар, ОАВ ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида «Инсон ҳуқуқларини таъминлаш — адолатли жамиятнинг бош мезони» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида ўтказилган навбатдаги йиғилиш қишлоқ ҳўжалиги фанлари бўйича илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашнинг аҳоли, соҳадаги илмий-тадқиқотлар масаласига бағишланди.

● Самарқанд шаҳрида «Хожа Аҳрор Валийнинг Марқазий Осиё тарихи ва маънавиятида тугган ўрни» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги Бобур номи ширкат ҳўжалигида кўнига 55 кишини қабул қилишга мўлжалланган янги қишлоқ шифокорлик пункти очилди.

● Шахрисабзда БМТ Тараққиёт дастурининг «Барқарор даромад манбаларини яратиш» лойиҳаси доирасида Қашқадарё вилоятини ҳудудий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Андижонда ички ишлар ходимларининг шарафли ва айни чоғда хатарли касбий фаолиятларига бағишланган «Қонли олишув» фильмининг тақдироти ўтказилди.

● Кеча Тошкентда таъзвондонинг ИТФ йўналиши бўйича рангли белбоғга эга бўлган 9-16 ёшли ўсмирлар ўртасида клублараро Ўзбекистон очик чемпионати бошланди.

● Шахрисабзда БМТ Тараққиёт дастурининг «Барқарор даромад манбаларини яратиш» лойиҳаси доирасида Қашқадарё вилоятини ҳудудий ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Андижонда ички ишлар ходимларининг шарафли ва айни чоғда хатарли касбий фаолиятларига бағишланган «Қонли олишув» фильмининг тақдироти ўтказилди.

● Кеча Тошкентда таъзвондонинг ИТФ йўналиши бўйича рангли белбоғга эга бўлган 9-16 ёшли ўсмирлар ўртасида клублараро Ўзбекистон очик чемпионати бошланди.

● Судан ҳукумати Дарфур вилоятидаги исёнчи кучларга қарши олиб бораётган жанговар ҳаракатларни тўхтатишга рози бўлди. Айни дамда Африка Иттифоқига аъзо давлатлар ҳукумати ва исёнчиларни муроасага келтириш ҳаракатларини бошлаб юборишди.

● Перу пойтахти Лимадан 345 километр узокликда рўй берган автохалокат натижасида 49 киши ҳаётдан кўз юмди, 15 дан ортик киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

● Афғонистон полицияси томонидан Нанганхор музофотида ўтказилган махсус рейд чоғида 15 тонна опий топилиб, мусодара этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ ОЙБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Ушбу санага тайёргарлик қўриш ва уни нишонлаш бўйича ташкилий кўмита таркиби тасдиқланган.

Ташкилий кўмита бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда юбилей тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширишга киришсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2005 йилнинг май ойида «Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзусида илмий конференцияни ҳамда адаб таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадбий анжуманини ўтказсин.

3. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги адабнинг асарларини саҳналаштириш, Фанлар академияси билан биргаликда Ойбек уй-музейининг экспозициясини бойитиш бўйича ишларни амалга оширсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда таълим муассасалари ва кутубхоналарда адаб ҳаёти ва ижоди бағишланган адабий-бадбий тадбирлар, ойбековчилик кўнларини, давра суҳбатлари, иқдорлар билан учрашувлар ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Ойбек асарларини ҳамда «Ойбек замондошлари хотирасида» китобини чоп этишни режалаштирсин.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 декабрь

6. «Ўзбекино» Миллий агентлиги Ойбек ҳаёти ва ижоди бағишланган ҳужжатли фильм яратсин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ойбек сиймоси туширилган ва унинг асарлари мавзуси асосида ишланган почта маркалари ва конвертлар туркумини чикарсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелеаудио» компанияси ва республика оммавий ахборот воситаларига адаб ҳаёти ва ижоди тўғрисида туркум курсатув ҳамда радиоэшитиришлар тайёрлаш, макролар чоп этиш, юбилей тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

2. Белгилансинки:
2005 йилда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ҳодимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдориди амалга оширилади;

ҳодимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005 йилнинг январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромаддан) бошланади;

жамғариб бориладиган пенсия тизимиди ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисоб рақамларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланади;

3. Қуйидагилар:
Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимиди шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низоми;

Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очиб ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми;

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми;

Жамғариб бориладиган пенсия дафтаридаги тўғрисидаги низоми тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига шахсий тартиб рақами бериш паспорт тизимига мувофиқ аниқланган фуқаронинг идентификация рақами (шахсий код) асосида амалга оширилади.

Ички ишлар органлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамғариб бориладиган пенсия тизимиди ҳисобга қўйиш учун фуқароларнинг идентификация рақамларини (шахсий код) аниқлашда ва Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очиб ҳужжалик юритувчи субъектларга зарур ёрдам кўрсатсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер ҳужаликлари ва юридик шахс ташкил этган бошқа ҳужалик юритувчи

субъектлар томонидан 2005 йил 5 январгача бўлган муддатда иш берувчилар жойлашган жой бўйича Халқ банкнинг туман (шаҳар) филиалларига белгиланган шаклларга мувофиқ ҳодимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимиди ҳисобга олиш учун маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

Маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши, уларнинг тулиқлиги ва ишончилиги учун шахсий жавабгарлик ҳужжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

6. Халқ банки 2005 йил 1 мартгача бўлган муддатда ҳужжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ҳодимлар жамғариб бориладиган пенсия тизимиди ҳисобга олиниши, улар учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очилишини ва жамғариб бориладиган пенсия дафтаридаги берилишини амалга оширсин.

Кейинчалик фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимиди ҳисобга олиш зарур маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб беш иш кўни мобайнида амалга оширилиши назарда тутилсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимиди ҳисобга олинишининг тулиқлиги тўғрисида ахборот берсин.

7. Халқ банки 2008 йил 1 январгача бюджетга солиқларнинг барча турларини тўлашдан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларини очиб ва юритишга доир операция ҳаражатларини компенсация қилишга мақсадли йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Марказий банк ва Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимиди ҳисобга олиш ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамлари очиб имконини берадиган маълумотлар электрон базасини шакллантириш учун дастурий таъминлашни ишлаб чиқиш чора-тадбирларини кўрсин;

2005 йил 1 июлгача бўлган муддатда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг барча даражаларида маълумотлар айирбошланиши ва уларнинг ишончили ҳимоя қилиниши имкониятини назарда тутувчи ягона маълумотлар элек-

трон базасининг моддий-техник асоси шакллантирилишини ва унинг дастурий таъминлинишни тўғалласин;

жамғариб бориладиган пенсия тизими ишлатилиш таъминлаш учун Халқ банкнинг ҳудудий, туман (шаҳар) филиаллари ҳодимларини тайёрлаш ва ўқитишни бир ой муддатда амалга оширсин.

9. Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, компьютер техникаси сотиб олиш, ягона маълумотлар электрон базасини шакллантириш ахборот тизимининг пухта ишлатилиш таъминловчи электрон дастурий воситаларни ишлаб чиқиш;

зарур миқдорда жамғариб бориладиган пенсия дафтаридаги раҳбарларни, жамғариб бориладиган пенсия ўтловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар бланкларини ва жамғариб бориладиган пенсия тизимиди шахсан ҳисобга олиш бўйича маълумотларни тақдим этиш шакллари тайёрлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Марказий банкка асосан тақлифларни тақдим этилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодий вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига қўратиб ўтилган ҳаражатларни молиялаштириш маблағлари ва ҳажмлари бўйича тақлифлар киритсин.

10. Халқ банки ун қун муддатда, ўзининг ташкилий тузилмасига ўзгаришлар белгиланган тартибда киритсин. Халқ банкнинг марказий аппаратида Халқ банкнинг ҳудудий, туман (шаҳар) филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимиди фуқароларни ҳисобга олиш, шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш ва жамғариб бориладиган пенсия ўтловларини амалга ошириш бўйича тегишли бўлинмаларга эга бўлган жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармасини ташкил этсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 февралгача жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармаси ва тегишли ҳудудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва ҳодимлари сони бўйича зарур тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Халқ банки қорхоналар, ташкилотлар ва

муассасаларнинг ҳодимлари учун методик қўланмалар, курсатмалар ва йўриқномалар ишлаб чиқилишини таъминласинлар, жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг фаолият кўрсатиши масалалари юзасидан ҳужжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари билан семинарлар ўтказилишини ташкил қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича зарур ташкилий ишларни амалга оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги (Р.С.Азимов), Марказий банк, Молия вазирлиги, Халқ банки 2005 йил 10 январгача:

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуниди ва ушбу қарорда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳудудий семинарлар ўтказсинлар;

ҳар қайси вилоятда вужудга келган муайян вазиятди ҳисобга олган ҳолда мазкур тадбирларни амалга оширувчи тузилмалар тармоқлари ҳодимлари сонини белгиласинлар.

13. «Ўзтелеаудиокомпания», Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ахборот воситалариди мавзули эшитиришлар ва макролар туркумлари ташкил этиш, мутахассисларни жалб этган ҳолда маърузалар ва учрашувлар уюштириш йўли билан жамғариб бориладиган қўшимча пенсия тизимининг механизми фаолияти ва афзалликлари аҳоли ўртасида кенг тушултириш ишлари амалга оширилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 декабрь

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги 1-Оқтепа сайлов округида сайловчиларнинг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида талабалар иштирокида ўтказилган тадбирда икки палатали парламентнинг жамият ҳаётида тутган ўрни хусусида сўз борди.

● **ЎЗБЕК** Давлат Миллий академик театрида «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилиги жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликларида эълон қилинган «Энг яхши Мехрибонлик уйлари» ҳамда «Юрагимни сенга бағишлайман» кўрик-танловларининг якуний босқичи ўтказилди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда талабалар иштирокида лирик шоир Хайриддин Салоҳ ижодида бағишланган адабий кеча уюштирилди.

● **БАСТАКОР** Арам Хачатурян ижодида бағишлаб ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Бастакорлар уюшмаси, Бадий академия ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЎТГАН** кўни шахримиздаги енгил саноат касбхонар коллежида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан туман коллежлари «Қамолот» етакчилари иштирокида ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг муҳим омилларига бағишланган семинар ўтказилди.

● **КЕЧА** «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бектемир туман бўлими томонидан туманда истикомат қилувчи имконияти чекланган болаларни яқинлаштириб келаётган янги йил билан қутлаш мақсадида Қорбобо ва Қорқиз ташифи уюштирилди.

● **125-МАКТАБДА** Миробод туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар ўртасида бадминтон бўйича мусобақа уюштирилди.

● **182-МАКТАБДА** Чилонзор туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида баскетбол мусобақаси ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

Қазақовчи нигоҳи

Ширин АКИНЕР:

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ САЙЛОВГА КАТТА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАМОҚДА

Хозирги кунгача халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлардан келган 170 нафар вакил Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда қузатувчи сифатида аккредитациядан ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида навбатдаги қузатувчи мандати Марказий Осиё бўйича британиялик нуфузли мутахассислардан бири, Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мақтаби лектори Ширин Акинерга топширилди.

Ширин Акинер Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим, 2002 йили юртингизда ўтказилган умумхалқ референдумида қузатувчи сифатида иштирок этган эдим, — деди Ширин Акинер хоним. — Референдум натижаларига би-

ноан мамлакатингизда икки палатали парламентни шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Янги парламент тизимига ўтиш қонунчилик жараёнини такомиллаштиришга ёрдам беради. Халқ вакиллари олий қонунчилик органида ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлади. Бу мамлакатингиз тараққиётида ижобий омил бўлишига аминман.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги билан танишиб чиқиб шунга айтмоқчиманки, у илгор ва ҳукукий жиҳатдан мукамал. Масалан, эътиборли жиҳатлардан бири — сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзод кўрсатилганда хотин-қизлар учун 30 фоиз квота ажратишидир. Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик ишлари билан пухта шуғулланмоқда. Мамлака-

тингизга келганимга атиги бир неча кун бўлган эса-да, Ўзбекистон фуқаролари бўлғуси сайловларга катта умид боғлаётгани, янги парламент бутун жамият равнақи йўлида янада самаралироқ ишлашига қомил ишонч билан қараётганига гувоҳ бўлдим.

Юртингиз ҳақида таассуротларим жуда яхши. Бу юрт халқи нафақат меҳрибон ва очикқўнғил, балки жуда истеъдодли ҳамдир. Иқтисодиётда ҳам, фанда ҳам, барча бошқа соҳаларда ҳам қобилиятли мутахассисларингиз бисёр. Шу боис, мамлакатингиз ўтиш даври муаммоларини тез орада муваффақиятли ҳал этиб, иқтисодий ривожланишининг янги босқичга дадил қадам қўйишига ишонаман.

Ўзбекистон халқига фаровонлик, бахт, барча орзу-умидлари рўёбга чиқишини талаб қоламан.

ЎЗА

Сайловлар олдидан

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИДА ИШ ҚИЗГИН

Айни кунларда мамлакатимизда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга катта ҳозирлик қўрилмоқда. Юртимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий жараёнинг эркин, адолатли ўтиши, муносиб номзодларга овоз берилиши учун сайлов участкаларида иш қизгин. Жойлардаги сайлов участкаларида бўлажак депутатлар билан сайловчиларнинг учрашувлари тез-тез ўтказилиб турибди. Участка сайлов комиссияларида сайловчиларнинг рўйхатлари осилган, сайловчилар сайловларга оид етарли тушунчага эга бўлишлари учун ҳар томонлама кўмак берилмоқда.

Биз Миробод туманидаги 163-сайлов участкасида бўлганимизда илк бор икки палатали парламентга тамаил тоши қўйилган кун — 26 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларга барча нарса тахт этиб қўйилганини кўрдик. Участка сайлов комиссиясининг раиси Фуломжон Ҳақимов билан суҳбатлашар эканмиз, сайлов комиссиясининг аъзолари ўз зиммаларидаги масъул вазифани чуқур тушунаётганларини англадик.

— Сайлов участкасидаги 971 нафар аҳолининг овоз бериши, сайловчиларни ўтказиш учун барча зарур жиҳозлар — алоқа воситалари, компьютер, қонунчиликдаги янги қондаларни ўрганишга қаратилган адабиётлар, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар ва шунингдек сайловчилар рўйхати илиб қўйилган, — дей-

ди Фуломжон Ҳақимов. — Айниқса участка сайлов комиссияси аъзоларининг янги сайлов қонунчилигининг барча жиҳатларини яхши билишлари фуқароларга пухта тушунтириш беришларида кўл келяпти.

Сайловчилар номзодларининг сайловолди дастурлари билан қизиқиб танишмоқдалар, учрашувлар пайтида уларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этмоқдалар, айтиш мумкинки, бу саъй-ҳаракатларни фақат бир мақсад бирлаштирилади — у ҳам бўлса, юрт келажакни белгилловчи сайловларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: Миробод туманидаги 163-участка сайлов комиссияси фаолиятидан лавҳа.

Ҳақимжон Солиҳов
олган сурат.



Кеча пойтахтда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қутилаётган яқунлари ва келгуси йилнинг истиқболли режалари кўриб чиқилди ҳамда 2005 йил бюджети тасдиқланди. Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Таъкидлаб ўтилганидек, яқунланаётган йилда иқтисодиётнинг барча соҳаларида муайян силжишларга эришилди, асосий эътибор иқтисодиётни эркинлаштириш, макро-иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, унда хусусий мулкнинг етакчи ўрнини таъминлаш, таъки иқтисодий фаолиятни ҳамда ижтимоий ҳимояни кучайтириш каби устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, йил якунига қадар ички ҳудудий маҳсулотнинг ҳажми тўрт фоизга ошиши кутилмоқда. Саноатда ишлаб чиқариш даражаси — 104 фоиз, чакана савдо айланмаси — 114,3 фоиз, пуллик хизматлар кўрсатиш — 105,8 фоиз, капитал инвестициялар — 100,6 фоиз, экспорт даражаси — 137,2 фоизни ташкил этади. Хисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳақида хусусий тармоқнинг улуши деярли 50 фоизга тенг бўлди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 10 фоизга юқори эканлигидан далалатдир. Тўғридан-тўғри инвестициялар ва ажратилган кредитлар ҳажми 1,2 бараварга ошган. Ўтган вақт давомида молиялаштиришнинг турли манбалари ҳисобига 235 минг квадрат метр уй-жой қурилди, 3,8 километр ичимлик суви ва 10,5 километр газ тармоқлари ётқизилди, Кичик Халқа йўлининг тўртинчи наvbати, шунингдек 4084 ўринга мўлжалланган ўрта махсус ўқув юртлари, 2 та мактабгача таълим муассасаси, тўртта спорт мажмуаси, 107 та спорт майдончалари фойдаланишга топширилди, 9 та спорт иншоотлари қайта таъмирланди, 2 тадан маҳалла гузари ва оилавий поликлиникалар ишга туширилди. «Бандлик» дастури доирасида 39 минг кишига мўлжалланган иш жойлари ташкил этилди, «Меҳр ва муруват йили» дастурига асосан кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган 24 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Бундай ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда хисобот даврида баъзи тузилмаларнинг барқарорлигига ўзига яраша тўсиқ бўлган вазиятлар ҳам қузатилди. Биринчи навбатда бу иқтисодиётнинг реал секторидаги айрим корхоналарнинг сурункали молиявий ночорлигида яққол кўзга ташланади. Хусусан, йил бошидан буён бюджетга бокимандалик 37,5 миллиард сўмга юқорилаб, икки бараварга ошган. Таъкидлаб ўтилганидек, бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири корхона ва ташкилотларнинг дебитор-кредитор қарздорлигидир. Ўз навбатида, бу борадаги камчиликлар ҳўжалик субъектларининг ўзаро шартномавий мажбуриятларида изчиллик таъминланмаганлиги, жойлардаги тегишли комиссиялар томонидан тўлов интизоми меъёрларига риоя этиш устидан назорат йўқлиги туфайли юзага келмоқда. Сес-

сияда инвестиция ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари бажарилиши ҳам таҳлил қилинди ва улар ижросига масъул бўлган айрим субъектларга нисбатан эътирозлар билдирилгани ҳолда ушбу йўналишдаги ишни фаоллаштириш ва пировардида барқарорликни таъминлаш даражасида натижаларга эришиш лозимлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, мавжуд муаммо ва камчиликларга қарамасдан, пойтахтнинг умумий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари бир йил давомида самарали ва барқарор таъминланганлиги эътиборга лойиқдир. Шубҳасиз, бунга бевоқифа бюджетга бўлган реал даромадлар тушуми ва шу ҳисобдан тегишли ривожланиш тузилмаларига йўналтирилган маблағлар асос бўлди. Шаҳар Молия бош бoshқармаси бошлиги Бахтиёр Тоҳиров айтди: «Шу нуктаи назардан жорий йил бюджетининг чиқим қисмининг солиштирилган таҳлилини депутатлар эътиборига ҳавола этди, шунингдек пойтахтнинг 2005 йил бош молия ҳужжати лойиҳасида кўзланаятган янгиликлар ҳақида ҳам ахборот берди. Жумладан, хисобот даврида бюджет маблағларининг 44,5 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилган, шундан 30,5 фоизи — таълим соҳасига, деярли 25 миллиард сўм — соғлиқни сақлаш тизими моддий-техник негизини такомиллаштиришга, 3,5 миллиард сўмдан зиёди — кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган.

Келгуси йил бюджети лойиҳасида тушумланинг 50 фоизини энг долзарб ижтимоий вазифаларнинг татбиқ этилишига йўналтирилиш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимиз Президентига ташаббуси билан 2005 йил Сихат-саломатлик йили деб эълон қилинганлигини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасига фақат бюджетнинг ўзидан 30 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиши кутилмоқда. Мақтаблар ва умуман, таълим тизими сифатини ошириш мақсадида бюджет маблағларининг учдан бири қисми ажратилиши режалаштирилмоқда. Илгариги йилларга қараганда маданият соҳасига ҳам сезиларли молиявий кўмак берилди. Бундан ташқари, бюджетга айрим тўловларнинг қисқартирилиши, жумладан ойлик маоши жамғармаси бўйича тўлов ставкалари, шунингдек, кичик бизнес субъектларидан ва жисмоний шахслардан солиқлар камай-тирилиши кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар Кенгашининг маъзур ўн еттинчи сессияси иккинчи қақирги депутатлари учун якуний бўлди ва улар сўнгги маротаба ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда 2005 йил бюджет лойиҳасини бир овоздан қўллаб-қувватлаб, унинг тўлиқ таъминланишида яна бир неча кундан кейин номлари аниқ бўладиган бўлажак депутатларга муваффақиятлар талаб қилишди.

Сессияда барча қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира
ЗАЙНУТДИНОВА.

2. Ўрда. Собор майдони...

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, қадимда Тошкентнинг асосий ҳудуди Эски шаҳардан иборат бўлган.

Эски шаҳар Анҳор каналининг қуёботиш тарафини эгаллаган. 1810 йилдан сўнг Анҳорнинг шарқий соҳилида Қўқон хонининг Ўрдаси барпо этилган. 23 гектардан ошқ майдонни ишғол этган Ўрда хон саройи билан бирга, сарбозлар кўрғони, қурол-яроғ омбори ва газнани ўз ичига олган бўлиб, икки километр узунликдаги баланд девор билан ўралган. Унинг ёнида дастлаб Қашқар маҳалласи юзага келган, кейинчалик бошқа маҳалла ва мавзёлар пайдо бўлган.

1864-65 йилларда полковник Черняев бошчилигидаги чор қўшинлари Тошкент шаҳрини босиб олиш учун ҳужум қилади ва жанг давомида Ўрдага жиддий шикаст етади. Шу боис Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топган. 1867 йили генерал-губернатор Кауфман Ўрда ўрнида ўзига қароргоҳ — Оқ уй барпо этади. Бу ерда, шунингдек, ҳарбий истеҳком ҳам қурилади. 1888 йили эса Спас-Преображение ҳарбий собори тикланади.

«Чор армияси офицерлари ҳар якшанба кuni ўз оилалари билан мана шу соборга, ибодатга йиллар эди, — деб ҳикоя қилади А. Тюрков «История о Ташкенте» китобида. — Шу боис бу жой Собор майдони дейилган».

Собор майдони аслида ҳарбий парад ўтказиш учун мўлжалланган, замоналар ўтиши билан у шаҳарнинг сиёсий марказига айланган.

Ушбу майдон беш хонадан иборат бир қаватли Оқ уйнинг олдида жойлашган, лекин бу иморат майдонга ҳеч қандай қўрқ бағишламаган.

Сарой атрофида чор аъёнлари ва мустабид ҳарбийларнинг европача андозадаги уйлари, казармалар қад ростлаган, аммо улар ҳам ғоятда кўрimsиз бўлган.Уша даврдан қолган тарихий суратлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шаҳаршунос В.Нильсеннинг ёзишича, бу ҳудуддаги биринчи кўча собиқ Парадлар хиебони ўрнидан ўтган ва у Черняев номи билан аталган.

Шўро тўзуми қарор топган, 1917 йили Собор майдони Қизил майдон деб аталади. 1931 йили Оқ уй ўрнида Ҳукумат уйи қурилади.1936 йили Ҳукумат уйи олдида Ленинга ҳайкал ўрнатилади.

«Аввал бу майдон Москвадаги Қизил майдоннинг рамзий шериги сифатида шу ном билан аталган», — деб ёзади А.Тюрков.

1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг майдон қайта таъмирланди ва Ленин номи билан атала бошланди.1974 йилнинг 20 октябрида эса бу ерда унинг ўн сажиз метрлик, постаменти билан бирга 34 метрлик янги ҳайкали ўрнатилди.

Нихоятда баҳайбат бу ҳайкал Тошкентга олиб келинган, майдон унга торлик қилиб қолди, шу боис амалдаги лойиҳа ўзгартирилиб, ҳайкал учун собиқ Ҳукумат уйининг олдида эмас, балки унинг шимол тарафида махсус жой ҳозирланди, шу муносабат билан Парадлар хиебони ҳам шимол томонга сурилди.

Илгари майдон собиқ Ҳукумат уйи олдида, шарққа қараб қўзилган бўлса, энди улкан ҳайкал олдида, шимолдан жанубга қараб кенгайтирилди.

1975 йилнинг 7 майида, Москвадаги Қизил майдондан нусха олиб, бу ерда ҳам Парадлар хиебонининг кўнчиқар тарафида «Номаълум солдат қабири» «барпо» этилди ва бронзадан қасқа ҳамда дафна бутогни шакли ишланиб, «Сенинг исминг номаълум, жасоратинг барҳайт», деб ёзиб қўйилди. Кейинчалик унинг шимолий тарафида Максим Горький номили рус академик драма театри янги биноси тиклана бошланди, аммо неғадир бу қурилиш ярим-ёрти ҳолда чала қолиб кетди.

1974 йили ушбу майдонда Илйчининг ҳайкалидан ҳам бесўнақай яна бир иншоот қад кўтарди. Йигирма қаватли маъкур Маъмурий бино шўро даври меъморчилигининг энг ҳунук ва номаъқул намунаси, коммунистик манманлик ва дабдабазозликнинг яққол ифодаси, десак, асло хато бўлмади.

1982 йили майдоннинг кўнчиқар томонида яна бир баланд иморат — Ҳисоблаш маркази қуришга киришилди. Йигирма қаватли ушбу бионининг темир қарқаси тикланди-ю, нимагадир шу ҳолда қолиб кетди.

Сейсмик фаол эзндада жойлашган, яқиндагина муҳдиш зилзилани ўз бошидан кечирган Тошкентнинг қоқ марказида чўқур ўйланмасдан қилинган ушбу ишлар замирида мустабид тўзумнинг табиат қонунлари ва инсон ҳаётига, бутун бир халқ маданиятига, шарқона руҳ ва миллий меъморий аънаналарга беписанд муносабати муҳрланиб қолган.

Биз бу мавзуга яна қайтамиз...

3. Мустақиллик монументи

1991 йил 31 август кuni Ўзбекистон истиқлоли эълон қилинган, Президентимизнинг илк Фармони шу муносабат билан амнистия бериш ҳақида, кейинги Фармони эса Бош майдонни Мустақиллик майдони дея номлаб, бу жойда озодлик обидаси ўрнатишга доир бўлди.

Тарихда биринчи мартаба метро бекатининг номи «Мустақиллик майдони» дея она тилимизда жаранлаганида йўловчиларнинг кўзлари ёшлангани кўпчилигимизнинг ёдимизда.

Орадан кўп ўтмай, бутун бир майдонга қалхатдек соя ташлаб турган Илйчининг баҳайбат ҳайкали бир кечада олиб ташланди, лекин бу иш эски тимсолларни янгиси билан шунчаки алмаштириш учун қилинган эмас, балки бу — келгусида Мустақиллик майдонини тубдан ўзгартириш, унга янгича қиёфа, маъно ва мазмун бахш этишга қаратилган сайёҳаракатларимиз, амалий ишларимизнинг бошланиши эди.

Катта сиёсий-тарихий аҳамиятга эга бўлган бу ишларнинг пухта ўйланган режаси Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

Яна ўша тарихий кўнларга қайтайлик.

Албатта, бу ҳайкални олиб ташлаш учун майдонда гўёки халқнинг хоҳиш-иродаси билан турли митинг ва намойишлар уюштириш, ёки бўлмаса, бу масалани сиёсий кампанияга айлантириш, унинг давлат идораларида, меҳнат жамоаларида муҳокама қилиш, эски тўзумни қоралаш бўйича даъват ва чақириқларини ташкил этиш ҳам мумкин эди. Баъзи қўшни республикаларда шундай бўлди ҳам.

Лекин давлатимиз раҳбарининг бу борадаги оқилона сиёсати туфайли мана шундай сунъий ва сохта, ҳеч кимга керак бўлмаган, ортиқча эхтирос ва эътирозларни қўзғайдиган ишларга йўл қўйилмади. Юртбо-

шимизнинг бевосита топшириғи билан бу ишнинг аниқ режаси тузилди ва уни бажариш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўз-ўзидан аёниқ, бу жиддий масала фақат «пролетар дохийси» ҳайкалини олиб ташлаш билан охирига етмас эди. Авваламбор, узоқ йиллар давомида мустабиллик ва зўравонлик тимсоли бўлиб, одамлар юратига қўрқув ва мутиклик уруғини сочиб келган Ленин ҳайкали ўрнига нима ўрнатиш масаласини қад қилиш зарур эди. Бу ишни қачон амалга оширишдан тортиб, қандай куч ва механизмларни жалб этиш, яъни бу жараёнинг энг майда деталларига ҳар томонлама чўқур ишлаб чиқиш лозим эди.

Агар бу масала зудлик билан ҳал қилинмаса, Ленин ҳайкалининг бўш қолган постаменти атрофида ашаддий коммунистлар йигилиби, сиёсий ўйинлар бошланиши ва турли иғво-фитналар уюштириши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди.

Бу мураккаб муаммони тезда ҳал қилиш, маънавий нуктаи назардан одамларга, кўпчиликка қандай рамзий тимсол маъқул келишини аниқлаш ва уни тайёрлаш лозим эди. Бир сўз билан айтганда, бу тимсол одамларни бир-бирига қарама-қарши ва душман эмас, балки аҳил ва ҳамжиҳат қилиши, яъни, жамиятни бўлишга эмас, балки бирлаштиришга хизмат қилиши керак эди, албатта.

Давлатимиз раҳбари ана шу сиёсий заруратни чўқур хис этган ҳолда, бу жойда улкан Ер шарни тасвири ва унда Ўзбекистон ҳаритаси ўзининг яққол ифодасини топан монумент ўрнатиш ғоясини илгари сурди. Содда қилиб айтадиган бўлсак, эй одамлар, билиб қўйинглар, дунё ҳаритасида янги давлат — мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлди, токи дунё бор экан, халқимиз яшар экан, Ўзбекистон мустақил бўлиб қолаверди, деган теран маъноли ғояни ўзида муҳжасам этган монумент лойиҳасини тайёрлашни тақлиф этди ва унинг тархнини ўзи чизиб берди. Кейинчалик бу иш учун Ислон Каримовга муаллифлик ҳуқуқини тасдиқлайдиган махсус патент ҳам берилди.

Президент ўзи бир пайтлар ишлаган Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи мутахассислари билан фикрлашиб, ушбу лойиҳанинг муҳандислик ечимлари, жумладан, монументнинг ҳажми ва оғирлигини белгилаш, уни мустаҳкам қилиб ўрнатиш, ҳар қандай об-ҳаво ва иқлим шароитида ҳам ранги ва жозибабини ўзгартирмаслиги учун уни қандай материалдан, қандай технология асосида тайёрлаш, конструкцияси қандай бўлиши хусусида ҳам амалий тақлиф ва тавсияларини берди.

Шундай қилиб, 1992 йили майдондаги Лениннинг бесўнақай ҳайкали ўрнида Мустақиллик монументи қад ростланди. Ва у озодлигимиз тимсолига айланди.

Асрлар давомида зулм ва истибдод чангалида қолиб, бировларнинг қош-қовоғига қараб яшашга маҳкум бўлган халқимиз она Ватанин эъзолаш, унинг кадр-қимматини муносиб шарофлаш ҳуқуқидан маҳрум эди. Шу маънода, ушбу обида шу асрий армоннинг ушалиши, тарихий адолатнинг бамисоли булут остидан қуёш каби балқиб чиқишдек бўлиб туюлади.

— Биз кишилик жамиятини бир бутун оила сифатида ўз бағрига жо этган Она сайёрамиз тимсолини бошимиз узра баланд кўтардик, — дейди Ўзбекистон Қарамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Бу теран рамзидир. Мухтарам Юртбошимиз томонидан олға сурилган бу фалсафий ғоя ҳар қандай кўнгилда фахр-ифтихор уйғотади. Қаранг, Ер шарни тиллодек товланиб турибди. Унинг бағрида она Ўзбекистонимиз яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, ўзбек халқи рўйи заминдаги миллат эзлатлар орасида ўзининг муносиб тарихий ўрнига эгадир. Чўки бу халқ азал-азалдан умумбашарий тараққиётга салмоқли таъсир кўрсатиб келган. Амир Темур, Имом Бўҳорий, Абу Райҳон Бериуний, Ибн Сино, Мусо Хоразмий, Баҳроуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби улуг аждодларимиз номи дунё тарихига олтин ҳарфлар билан битилган. Шу боис ҳам Ўзбекистонимиз Ер юзидидаги ўз тарихий ўрни билан фахрланишга тамомил ҳақли.

Етмиш йил давомида шўроларнинг зўравонлик қудратини намойиш этувчи тантанавор ҳарбий парадлар ўтган, ҳавоий чақириқлар ва уларга жавобан «Ура!» садолари янграган маъкур майдонда 1992 йили 31 августда тарихда илк дафъа Мустақиллигимизнинг бир йиллик айёми тантана қилинди. Ва мана, ўн уй йилдирки, энг улуг, энг азиз байрамимизнинг шодиёна садолари Бош майдонимизда янграб келмоқда.

4. Халқимизга, ватандошларимизга хизмат қилсин!

Ислон Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлагач, пойтахтимизни замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган шаҳарга, чинакам Шарқ дарвозасига айлантириш масаласини кун тартибига қўйгани ҳеч кимга сир эмас. 1990 йилнинг 20 январида, шаҳар фаоллари йигилишида худди шу муаммо муҳокама этилиб, давлатимиз раҳбари, хусусан, Тошкентнинг маъмурий марказини меъморий нуктаи назардан такомиллаштириш масаласига бутунлай янгича ёндашув билан қараш зарурлигини ўқтиради.

Маъкур ҳудуддаги Ҳисоблаш маркази ва Максим Горький номили рус академик драма театри янги биноси қурилиши чала қолиб кетгани, лойиҳалар жуда тўмтароқ ва дабдабали эканига тўхталиб, уларни энг аввало, зилзилага бардош бериши, иқлим шароитимиз, турмуш тарзимиз ва азалий аънаналаримиз инобатга олинган ҳолда қайта қўриб чиқиш, қурилиш ишларини миллий ва замонавий шахарсозлик тамойиллари асосида давом эттириш зарур, бу иморатлар халқимизга, ватандошларимизга хизмат қилсин, дея таъкидланди.

Театрнинг янги биносига 1982 йили пойдевор қўйилган бўлса-да, республика компартияси марказқўмининг машъум XVI пленумидан сўнг кўпдан-кўп қурилишлар қатори у ҳам тақа-тақ тўхтаб қолган эди.

Давлатимиз раҳбари маъкур иншоотга алоҳида эътибор билан қараб, лойиҳани қайта-қайта қўриб чиқади, унга ғоят муҳим ва жиддий ўзгартиришлар киритиб, босқичма-босқич такомиллаштириб боради. Шу билан бирга, қурилиш тизлаштириш макссадида тегишли ташкилий-амалий чоралар қўрилишига бошчилик қилади.

Мамлакатимиздаги кўплаб театр бинолари ночор аҳволда бўлган

бир шароитда бу муқташам саройнинг битта театр жамоасига топшириб қўйилиши жамоатчиликда ҳақиқ эътироз тугдириши мумкинлигини ҳисобга олиб, Президент тақлифи билан бу ерда муаззам санъат саройи барпо этишга қарор қилинади.

Шуниси алоҳида эътиборга молиқки, рус академик драма театримиз ҳам жойсиз қолгани йўқ, қанчалик қийин бўлмасин, орадан уч-тўрт йил ўтгач, маъкур театр учун шаҳар марказидан замонавий бино қўриб берилди. Бу, албатта, мамлакатимиз раҳбарининг санъат ва ижод аҳлига бўлган катта ҳурмат-эҳтироми ва ғамқўрлигидан далолат беради.

Юртбошимиз 2003 йилнинг март ойида бўлғуси саройнинг қурилиш ва пардозлаш ишлари билан атрофлича танишади. Фойега ўрнатиш учун тақлиф этилган маъкур расмлар таърида халқнинг кўнглига, унинг миллий руҳига яқин бўлган тасвирий паннолар яратиш зарурлигини ўқтиради.

Залининг шифти ҳам ҳозирги кўринишида эмас, балки яхлит гипсокартон билан қопланган бўлиб, уларни қийин чироқлар ўрнатилган эди. Улар ўз ҳолича зангор осмонни ва юлдузлар жилвасини ифода этиши кўзда тутилган эди, бирок ғумбаз тўбсиз фалакка ҳам, залиниг шифтига ҳам ўшмасди. «...Боис Президенти...» — деди унинг ўзгартириб, миллий жилоларда зийнатлаш, ғумбазни ҳақиқий санъат асарига айлантириш бўйича топшириқ берди. Шу билан бирга, зал деворларини халқимизнинг ўймакорлик санъати намуналари билан безаш керак, бу чинакам маданият ва маърифат қошонаси бўлсин, деб фикр билдирди.

Москванинг Съездлар саройидан нусха олиб қурилган балконнинг шакли Юртбошимизда эътироз уйғотди. Зал қандайдир бўғилиб қол-

ган, балкон уни босиб турар, энг ёмони, бу ердан сахнадаги одамнинг боши зўрга қўринар эди, ҳолос.

Президентимизнинг кўрсатмаси асосида балкон ичмам ҳолга келтирилди, ложалар олиб ташланди, зал деворлари ва фойе яхлит миллий услубда, нафис тасвирий воситалар ёрдамида безатилди.

Залининг тоқида ғоят муқташам мовий ранг ғумбаз яратилди ва гир айлана биллур қанчил осилди. Мана шундан сўнг зал ўзгача жозиба ва салобат касб этиб, бутунлай яншаб кетди.

1993 йилнинг 25 августида давлатимиз раҳбари яна бу ерга келиб, амалга оширилган ишларни бирма-бир кўздан кечиргач, ёнидаги кишиларнинг бирига, охириги қаторга бориб ўтиринг, деди. Ўзи эса қурувчи билан бир оз суҳбат қилди, сўнг халиги одамни чақириб, ҳозир биз нима ҳақда гаплашдик, деб ўради. У киши ўз эшитганларини дон-дона қилиб, батафсил айтган, Ислон Абдулганиевичнинг чехраси очилди ва «Мана энди залиниг акустикаси талабга жавоб берадиган ҳолга келди!» — деди.

— Мен 1992 йилдан бери Юртбошимизнинг бутун мамлакатимиздаги, жумладан, Мустақиллик майдонидида қурилишларга доир кўрсатма ва ғояларини, тақлиф ва мулоҳазаларини ҳаётга таъбиқ этишда иштирок қилиб келаман, — деб ҳикоя қилади Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Азамат Тўхтаев. — Ҳар гал Ислон Абдуганиевичнинг узокни кўра билиши, энг мураккаб шароитда ҳам ягона тўғри йўлни кўрсатиб бериши мени ҳайратга солади. Тўғри, у киши илгари сурган ғояларни биз ҳадеданга чўқур англаб етмаган ҳолатлар ҳам бўлган, аммо бир оз вақт ўтиши билан ўша ёндашув, тақлиф ва тавсиялар нақадар тўғри бўлганини ҳаётинг ўзи кўрсатган. Бунинг бир мисоли сифатида «Туркистон» саройини олиб қўриш мумкин. Давлати-

оналарини, сеvimли ёрини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғу дўсту биродарларини ўйлаган. Ва мана шу инсонларнинг, элу юртининг тинчлиги, осойишталиги ва келажаги учун жон фидо этган, — деб таъкидлади. — Бу кун мана шу осмонимизнинг мусаффолиги, ҳаётимизнинг тинчлиги учун урушда қурбон бўлган инсонлар кuni, уларнинг хотираси кунидир.

Агар биз мана шу майдонда уруш қурбонлари хотирасини абадийлаштирсак, ўйлайманки, жуда савобли иш қилган бўлар эдик».

Дарҳақиқат, барчамизга аёниқ, фашизм балосига қарши жангларда 450 мингдан зиёд Ўзбекистон фарзанди жон фидо этган, қанчадан-қанча юртдошларимиз ном-нишонсиз, бедарак йўқ бўлиб кетган. Шу тариха давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан халқимиз яна бир савобли ишга бел боғлади ва Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ватандошларимиз хотирасига ёлдорлик мажмуи барпо этишга киришди.

1999 йилнинг 15 январь ва 26 февраль кунларида Президент Ислон Каримов икки юз ишчи, устаю муҳандис кечаю кундуз тинмай ишлаётган, қурилиш кизгин тўс олган маъкур зиёратгоҳдаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Юртбошимиз бўлажак ёлдорлик мажмуи миллий меъморий аъналар асосида барпо қилинишига, унда халқимизнинг ўтганлар руҳига чўқур ҳурмат билан қарашдек эзгу одати яққол сезилиб туришига, бу масханин одамларнинг оёғи зилимайдиган кўтлуг зиёратгоҳга айлантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Хотира майдони тўрида ўзининг ғояси асосида бунёд этилаётган Мотамсаро ана ҳайкали

миз раҳбарининг меъморий концепцияси билан иншоот бизнинг кўз олдимизда бетакрор, ўзида миллий ва замонавий услубни муҳжасам этган муқташам санъат қошонасига айланди.

1993 йилнинг 4 сентябрида иш бошлаган бу улғувор қошонага Ислон Каримов «Туркистон» деб ном беришни тақлиф этди. Мустақиллик майдонининг тўрида салобат тўкиб турган бу ғўзал меъморий обиданинг айнан ана шундай ном билан аталиши рамзий маънога эга, албатта.

Сарой олдидаги кенг ва равон саҳналар, бир-бирига уланиб кетган чироили фавворалар ва инсоний саодатнинг азалий рамзи бўлимиш Ҳумо қуши тимсоли, сарой ортидаги 3600 ўринли ёзги томошагоҳ, теварак-атрофдаги қўрқам хиебонлар ҳар қандай кишининг ҳам баҳри-дилини очади.

Орадан кўп ўтмай бу бино йирик халқаро анжуманлар,санъат байрамлари ўтказиладиган чинакам маданият саройига айланди ва халқимизга, юртимизга хизмат қила бошлади.

5. Ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар

Президентимизнинг нуктаи назарига қўра, Бош майдондаги ҳар бир бино, ҳар бир ўзгариш инсоннинг ўтмишга, она-Ватанга садоқати ва муҳаббатини зиёда этишга хизмат қилиши лозим.

Юқорида айтганимиздек, ҳозирги Хотира майдони ўрнида илгари «Номаълум солдат қабири» ёлдорлиги бор эди. Ана шу ёлдорлик пойида зикр этилган «Сенинг исминг номаълум, жасоратинг барҳайт» деган ёзувдаги мантиқа зид, ғайринисоний мазмунга ҳам биринчи бўлиб Ислон Каримов жамоатчилик эътиборини қаратган эди. Ахир, қандай қилиб инсоннинг номи номаълум бўлиши, умуман, аскар номаълум бўлиши мумкин? «Номаълум аскар» деган тушунча шўро сиёсатининг савёз ва сийқа ташвиқот усулларидан бири эди, ҳолос.

Аслини олиб қарасангиз, бу шюрда инсон ҳаёти ва хотирасига нисбатан беписандлик муҳжасамдир. Чўки одам боласи бу дунёга бир марта келади, ҳар қайси инсон орзу-ҳавас билан яшайди. Инсон номи, хотираси ҳам, унинг мардлик ва жасорати ҳам азиз ва мўътабардир.

Давлатимиз раҳбари 1998 йилнинг 9 майида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан бўлган учрашувда мана шу масалга эътиборни қаратиб, «Ўзбекистонимиз йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб, жон бераётганида, ишончим комилки, Европадаги қандайдир тепалик ёки қандайдир қаҳрамон шахар учун эмас, авваламбор ўз уйларини, оқ ювиб, оқ тараган меҳрибон

оналарини, сеvimли ёрини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғу дўсту биродарларини ўйлаган. Ва мана шу инсонларнинг, элу юртининг тинчлиги, осойишталиги ва келажаги учун жон фидо этган, — деб таъкидлади. — Бу кун мана шу осмонимизнинг мусаффолиги, ҳаётимизнинг тинчлиги учун урушда қурбон бўлган инсонлар кuni, уларнинг хотираси кунидир.

Агар биз мана шу майдонда уруш қурбонлари хотирасини абадийлаштирсак, ўйлайманки, жуда савобли иш қилган бўлар эдик».

Дарҳақиқат, барчамизга аёниқ, фашизм балосига қарши жангларда 450 мингдан зиёд Ўзбекистон фарзанди жон фидо этган, қанчадан-қанча юртдошларимиз ном-нишонсиз, бедарак йўқ бўлиб кетган. Шу тариха давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан халқимиз яна бир савобли ишга бел боғлади ва Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ватандошларимиз хотирасига ёлдорлик мажмуи барпо этишга киришди.

1999 йилнинг 15 январь ва 26 февраль кунларида Президент Ислон Каримов икки юз ишчи, устаю муҳандис кечаю кундуз тинмай ишлаётган, қурилиш кизгин тўс олган маъкур зиёратгоҳдаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Юртбошимиз бўлажак ёлдорлик мажмуи миллий меъморий аъналар асосида барпо қилинишига, унда халқимизнинг ўтганлар руҳига чўқур ҳурмат билан қарашдек эзгу одати яққол сезилиб туришига, бу масханин одамларнинг оёғи зилимайдиган кўтлуг зиёратгоҳга айлантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Хотира майдони тўрида ўзининг ғояси асосида бунёд этилаётган Мотамсаро ана ҳайкали

уруш туфайли оғир қулфатларни бошидан кечирган, жигарбандидан айрилиб, беҳад қайғу-жафо чеккан ва қадди дол бўлган мунис ва муштира она сиймосини ўзида тўлиқ намоён этиши кераклигини таъкидлади. Ҳайкал пойига эса «Сен доим қалбимдасан, жигарим!» деган, инсон хотираси ғоят азиз ва мўътабар эканини англатиб турадиган ёзувини муҳраб қўйишни тақлиф этди.

Шу йўсинда эл-юрт тинчлиги йўлида жон фидо этган барча ватандошларимизнинг табарруқ номлари зарҳал лавҳаларга битиб қўйилган Хотира майдони барпо этилди.

«Бу обидага кўзим тушса, мени не-не алам ва ҳасратда ўрушга қузатиб қолган муштипар онам кўз олдимда намоён бўлади, — деб ёзади Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, академик Матёкуб Қўшонов. — У тўрт йил давомида йўл қараб, менинг ҳаёлим билан эзилиб яшаган. Бундай оналар қанча!

Қорахат олиб, фарзанд доғида сочлари оқариб, қадди эгиллиб қолганлар қанча!

Мен ўша оналар ўзлари оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган жигарбандларининг жасадлари қафассиз, жанозасиз, ким қаерларда қолиб кетганидан ёниб-қуйиб ўтганини жуда яхши биламан.

Айниқса,бедарак кетган аскарларнинг онаизорлари бир умр йўлга термилиб, кўзда ёш, армон ва ҳасрат билан дунёдан ўтиб кетишди.

ЎНИНЧИ «БОИНГ» КЕЛИБ ҚУНДИ

Мамлакатимиз Президентги Исом Каримов ташаббусига биноан ишлаб чиқилган авиация техникасини янгилаш давлат дастури бўйича Америка корпорациясидан олинган «Боинг-767-300ER» самолёти яқинда кучи Тошкент аэропортига келиб қўнди. Бу республикаимизга келтирилган ўнинчи «Боинг» бўлиб, у «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси авиапаркини тўлдирди. Лайнердаги бизнес ва иккинчи салон катталаштирилган ҳамда 264 ўринга мўлжалланган.

Бугун Миллий авиакомпания томонидан фойдаланилаётган «Боинг»лардан фарқи уларок, янги лайнернинг ички тўзилиши бошқача, у ичмакор ва куларок. Унда энг янги техника воситалари, хусусан, энг сўнгги видеотизимдан фойдаланилади.

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида тантанали учрашув бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси раҳбарлари, «Боинг» корпорацияси, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Экипаж сардори Шавкат Фуломов парвоз яхши ўтганини айтди.

Ўзбекистонлик учувчилар бундай парвозларда биринчи бор иштирок этаётгани йўқ. Исоф Зак, Рустам Сафаров ва уларнинг бошқа ҳамкасблари мунтазам аэроинишларда бундай лайнерларни яхши ўзлаштирган. Самолёт Римда қисқа муддатга тўхтаб, Ўзбекистон пойтахтига муваффақиятли етиб келди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Боинг» корпорациясининг ҳамкорлиги 1996 йилда бошланган бўлиб, шу йили биринчи самолёт олинган эди. Бугун уларнинг сонини ўнгага етди. Бу лайнерлар икки русумдаги — узок йўналишлар учун «Боинг-767» ва ўрта йўналишлар учун «Боинг-757» самолётларидир. Улардан фойдаланиш узок ва яқин хориж мамлакатлари йўналишларида йўловчилар оқимини кўпайтириш имконини берибди.

«Боинг-767» Ўзбекистон фуқаро авиациясининг энг яхши ҳаво кемаси этиб танлангандан хурсандмиз, — деди «Боинг-Фуқаро самолётлари» компаниясининг МДХ давлатларида сотилар буйича вице-президенти Крэг Жонс. — Биз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси билан ўн йилдан буюн биргаликда ишлаб келмоқдамиз ва шу йиллар давомида авиакомпания ҳавода йўловчи ва юк ташини бозорида етакчи ўринларини эгаллаб, энг яхши кўрсаткичларини қўлга киритмоқда.

Бугунги кунда миллий авиакомпаниямиз кўплаб халқаро авиакомпаниялар, халқаро авиация ташкилотлари, молия институтлари ва сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорлик қилмоқда. Фарбада ишлаб чиқаришга энг сўнгги авлод ҳаво кемалари нафақат йўловчилар, балки халқаро авиакомпаниялар орасида ҳам «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг оубрусини оширди. Янги «Боинг-767» ушбу мавқеини янада мустаҳкамлайди, йўловчи ташини ҳажмини кенгайтиради ва аэропаркдан унумли фойдаланиш ҳамда янги йўналишлар очигада ёрдам беради.

«Боинг» корпорациясининг бош қароргоҳи жойлашган Сиэтл шаҳри Тошкент билан бирдорлашган. Бу нарса икки шаҳар маъмурияти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва корпорация раҳбарлари ўртасидаги муносабатларга самимият ва ишонч бахш этган. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар анча мустаҳкамланди ва кенгайди.

Америка компанияси самолётларида ҳозир парвоз қилаётган ўзбекистонлик учувчилар Сиэтлда тайёргарлик қилиб қайтиди. Яна шуни таъкидлаш керакки, «В.П.Чалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бинолари» давлат акциядорлик жамияти «Боинг»лар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришдан МДХда ягона корхонадир. Бу эса Ўзбекистон самолётсозларининг юксак маҳоратидан дарак беради.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Республикаимиз ҳудудида жойлашган кўплаб меъморий обидалар мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, муқаддас қадамжоларга айланди. Жаҳон маънавий ва маданий меросининг ажралмас қисми бўлган ушбу мажмуалар бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан юртимизга ташриф буюраётган кўплаб сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

ПОТСДАМДА ЎЗБЕКИСТОН ОБИДАЛАРИ ФОТОКЎРГАЗМАСИ

Ана шундай фикр Соҳибқирон Амир Темури ҳукмронлиги даврида қад ростлаш тарихий ёдгорликлардан бири — 1372 йил Самарқандда бунёд этилган Шоди Мулк Ога мақбарасига ҳам тегишлидир. Сўнгги йилларда ушбу мажмуа қайта таъмирланмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу ишлар Ўзбекистон ва германиялик мутахассислар ҳамкорлигида амалга ошириляпти. Яқинда Бранденбург федерал ўлкасида мажмуада бажарилган таъмирлаш ишларига бағишланган фотокўргазма очилди. У Германия Федератив Республикаси Ташки ишлар вазирлиги ҳомийлигида Потсдам техника

университети ҳамда Ўзбекистон маданият ва спорт вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида тарихий ёдгорликларни таъмирлаш соҳасида юртимизда амалга ошириляётган ишлар тўғрисида сўз борди.


Потсдам техника олий ўқув юрти профессори ва лойиҳа раҳбари Мартина Абри хоним буюк бобокалонимиз Амир Темури даврининг энг йирик мақбаралардан бири саналган Шоди Мулк Ога мақбарасига ташриф бериб шундай деди: «Ранг-баранг, бениҳоя жозибадор, ажойиб нақшинкор мовий ранг

қошинлар бебаб турган ушбу хилхона жаннат рамзини аниқлатади. Хона ўрта-сида жойлашган ҳаётбахш бўлоқ эса, жаннат боғидаги абадий ҳаёт рамзи».

ГФР Ташки ишлар вазирлиги Европада ташки мамлакатлар маданият ва таълим сисёати ишлари бўлими раҳбари Х.-Й. Шмидт сўзга чиқиб, мажмура лойиҳани амалга ошириш ишларида вазирлик 225 минг евро маблаг ажратгани ва бу каби кўргазмалар келгусида турли маданий қадриятларга эга бўлган икки халқнинг ўзаро яқинлашувиغا катта ҳисса қўшаганини қайд этди.

«Ўзбекистон дунё маданияти бешикларидан бири ҳисобланади. Тарихий ёдгорликларини сақлаб қолишда немис ва ўзбек мутахассислари биргаликда иш олиб боришлари қувонarli хол. Бундай маданий меросни кўз қорачи-гидек асраб-авайлаб келажақ авлодга етказиш олдимизда турган муҳим вазифадир», — деди Х.-Й. Шмидт.

Ушбу лойиҳа 2005 йил сентябрь ойида ниҳоясига етказилади.



Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг Москвадаги гастроллари муваффақият билан ўтди. «Малая Бронная» кўчасидаги театр сахнасида ўзбек санъат усталарининг туртта томошаси намойиш этилди. Уларнинг барчаси ўзбек тилида синхрон таржима билан ижро этилгани боис, томошабинлар сахна асарларининг барча нозик қирралари ва актёрларнинг овоз интонациялари билан қабул қилиш имкониятига эга бўлдилар.

ЎЗБЕК ДРАМА ТЕАТРИ МОСКВАДА

Гастролнинг дастлабки кунинда немис драматурги Готхольд Лессингнинг «Донишманд Натан» драмаси намойиш этилди. Дунё ахли тероризм ва диний ақидапарастлик иллатлари билан тўқнаш келиб турган бугунги кунда спектакль яратувчилари одамларни фикрлашга, ҳамжихатликка, бир-бирига нисбатан меҳрли ва сабр-тоқатли бўлишга даъват қилдилар.

В.Умаров сахналаштирган «Аёлғу» спектакли томоша-

бинни ҳаёт мазмуни, унинг абадий чархпалаги ҳақида фалсафий мушоҳада юртишга ундайди, зеро ҳаётда ҳамма нарса доимий тақорланишда: туғилиш — ҳаёт — ўлим — туғилиш. Асарда токи Аёл зоти мавжуд экан, бу ҳодиса ҳаммаша бардавомдир, деган ғоя илгари сурилган.

Режиссёр М.Абдуллаев томонидан лирик комедия жанрида сахналаштирилган «Қизил олма» спектакли ўзининг ҳазил-муйтойига бойлиги билан театр илхосман-

дларига бир олам қувонч бахш этди.

Таниқли шоир ва проза-навис Фафур Фулом асарлари асосида ёзилган «Ўтмиш хангомалари» пьесасини В.Умаров аънавий ўзбек масхарабозлар театри шаклида театр сахнасида олиб чиқди.

Спектакллардаги ролларни театр сахнасининг етакчи артистларидан Т.Мўминов, Ж.Зокиров, Д.Икромов, Г.Зокирова ва бошқалар ижро этишди.

БРЮССЕЛДА ЕАҲҚ ЙИГИЛИШИ

НАТО бош қароргоҳи жойлашган Брюсселда Евроатлантик ҳамкорлик кенгаши (ЕАҲҚ)нинг ташки ишлар вазирлари даражасидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Бу Шимолий атлантика альянсинга аъзо мамлакатлар ва шериклар ташки сисёат маҳкамалари бошлиқларининг 2004 йилнинг июнидаги НАТО/ЕАҲҚ Стамбул саммитидан кейинги дастлабки учрашуви ҳисобланади. Бунда асосий эътибор НАТОнинг Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган эди.

Брюссел йиғилишида Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларига Шимолий атлантика блоқи томонидан стратегик макомини берилиши ҳамда Стамбул саммити қарорларининг ҳаётга тадбиқ этилиши Евроатлантик маконда хавфсизлигини мустаҳкамлашга ўз хиссасини қўшмоғи лозимлиги таъкидланди.

ЕАҲҚ йиғилишида сўзга чиққан АҚШ давлат котиби К. Пауэлл хавфсизлигини таъминлаш ва бу соҳадаги халқаро сайй-ҳаракатлари, шунингдек НАТОнинг Афғонистондаги фаолиятига кўрсатаётган қўмақлари учун Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларига ўз миннатдорлигини билдирди. К.Пауэллнинг қайд этишича, НАТОнинг фаол иштирокида Стамбул саммити қарорларини амалга ошириш ушбу минтақалардаги ҳамкор давлатларнинг Европа ва евроатлантик тўзимла-

ларга янада жипсрок интеграциялашувиға имкон яратди.

НАТО бош котиби Схеффер томонидан тайёрланган Стамбул саммитидан кейинги даврга оид ЕАҲҚ ҳисоботида таъкидланишича, Евроатлантик ҳамкорлик доирасида хавфсизлик соҳасидаги аҳволнинг истиқболли ҳамкорлик географиясини кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш заруратини юзага келтирди.

Шунингдек, НАТО бош котиби ўзининг яқинда Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларига қилган сафари натижаси ўларок хавфсизлик соҳасида ҳамда сисёсий диалог ва амалий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш орқали жамиятнинг ислоҳ қилиш борасида НАТО ва унга ҳамкор давлатларда кўплаб минтақавий муаммоларни ҳал қилиш имконияти мавжудлигиға ишончи қомил эканлигини қайд этди.

ПОЛЬША МАТБУОТИ ТОШКЕНТ КЎРГАЗМАСИ ҲАҚИДА

Яқинда Тошкентда «Teraz Polska Uzbekistan 2004» Поляша миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистонда биринчи марта ташкил этилган ва Поляша саноатининг Марказий Осиёдаги энг йирик тақдиротиға айланган мажмура воқеа ушбу мамлакат оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди.

Жумладан, Варшавада чоп этиладиган «Rynki Zagraniczne» газетаси Поляшанинг кўргазмада қатнашган 72 компания ва фирма ва фирмалари орасида ўтказилган сўров натижалари тақдиротларининг 80 фоиздан кўпи ишончли ҳамкорлик алоқалари ўрнатганидан далолат берганини қайд этган.

Мақолада Ўзбекистон Республикасига ёрдам доирасида набатдаги иккита кредитни (умумий миқдори 40 миллион АҚШ доллари) ажратиш юзасидан ҳукуматлараро маслаҳатлашув ўтказилгани таъкидланган. Шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокидаги анжуманлар ва амалий учрашувлар ҳақида ҳам батафсил ахборот берилган.

«2001 йилдан бери Ўзбекистоннинг Поляша билан савдо-сотиқ аламинини сезиларли ривож толаётгани кузатишмоқда, — деб ёзда мақола муаллифи. — Аввалги йилларга нисбатан савдо муносабатларининг ўсиши 25 миллиондан кўпроқ аҳолига эга ушбу мамлакатнинг имкониятларига ишонч ҳосил қилдилади. Ўзбекистон Европа учун очик, Поляша фирмалари билан алоқалар изламоқда. Мамлакатда ҳам маҳаллий, ҳам минтақавий даражасидаги ҳамкорлик тақдиротлари катта қизиқиш билан қабул қилинади».

Ўзбекистон — Поляша савдо-иқтисодий муносабатлари истиқболларига ишонч билдирилган ушбу мақола қўйилган фикрлар билан яқунланган: «Европа Иттифоқи давлатларининг Ўзбекистонини ўз иқтисодий доираларида жалб қилишдан манфаатдорлиги мавжуд. Бу эса ушбу мамлакат билан иқтисодий муносабатлар хавфсиз эканлидан далолат беради. Ўзбекистон, шунингдек, инфратўзимлиқ лойиҳаларни ривожлантириш, сармоялар жойлаштириш ва сайёҳлар аламинининг жаллаштириш бўйича ҳам кенг имкониятларга эга».

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

Шарқ дурдоналари



• Ўтган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард.

Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йўқ.

Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади.

Пушаймонлик уч хил бўлади: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пушаймонлик арзимаган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарсага ея олмай қолиш, арзимаган нарсага эга бўла олмай қолиш сабабли пайдо бўлади. Ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймонлик эса қўлидан келса ҳам бепарволик туфайли тайёр ерга экин экмай вақтини ўтказиб бориш орқали келади. Бир умрлик пушаймонлик эса адашиш орқали муносиб бўлмаганга мurosасиз ўйлаиб қолиш орқасидан келади.

• Ўз айбини кўрмаган ўзга айбини қидиради.

Дўстинг оч бўлса, сен тўқ бўлсанг, бу айбидир!

• Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон.

Юз йиллик бойлики қилмайлик пинҳон.

Кел, бунда ўтириб, бўлайлик бир шод.

Тасаввур қилайлик ўзини Кайкубод.

Дунё роҳатидан талаб қилиб дод.

Кечаю эртани айламайлик ёд.

• Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар.

Бефарқ кишилар ўзини йўқотар!

• Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзалликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, қулоқ, қош, юз, лаб, оғиз, қомат киради. Ички гўзаллик эса кишининг ёқимли хулқлар билан безанишидир. Бу хулқлар мулоимлик, саховат, шимоат, илм, камтарлик, ифбат ва шунга ўхшаш бошқалардир.

• Бойлигингга мағрурланма, унинг усти чиройли кўринса ҳам ичи ниҳоятда идрос бўлиб, кишини минг турли баёлаларга дучор қилади. Барча ишни шомасдан ўйлаб қил. Сирингчи ҳаммага айтаверма, илмсиз кишининг айтган гапига ишониб иш тутма, ўтган ишга қайғуриб, умрингчи зое ўтказма! Шейр:

Дилимда қанчалар сўзим бор бироқ,

Шакарнинг кўпидан озидир созорк!

Оз сўздан киши ҳеч бўлмас пушаймон,

Кўп сўздан кишига етади зиён!

• Ақл ва фаҳм Хонининг ҳоҳишлари ва ахлоқ дастурхонининг лаззатшунослари шундай айтадиларки, агар икки рафиқ Хон ёки дастурхон устида шерик бўлсалар, овқатга бир-биридан аввал қўл узатишга шошилмасдан, бир-бирига тақдир ва илтифот юзасидан йўл тутсинлар. Монандли ит ва тўнғиз ҳамда бошқа ҳайвонлар каби ўзини овқатга отмасликлари керак. Кимки, ёш жихатидан кичик бўлса ёши каттароғи овқатга қўл узатмагунча сабр қилимоғи лозимки, бу зарур ахлоқ қоидаларидан ҳисобланади.

Республикаимиз илмий ва ижтимоий-сиёсий жамоатчилигига яхши маълум бўлган «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журнали 1998 йилдан бери нашр этиб келинади. Журнал ўзининг дастлабки сонларидан бошлаб мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий салоҳияти, фан-таълим, маиший турмуш тарзи, турли йўналишларга дахлдор тадқиқотлар, янгиликларни мунтазам равишда ёритиб келади.

Мағнабият

ЁШЛАРИМИЗ ОРЗУ-УМИДЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда журнал муассислари — «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги маркази ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши журналнинг ёшлар муаммолари, ташаббуслари, уларнинг ижодий, бадиий ҳамда илмий салоҳиятини ривожлантиришга бағишланган махсус сонининг тақдимот маросимини ўтказишди.

Тақдимотда пойтахтимизнинг турли олий ўқув юртиларидан келган иқтидорли талабалар, ҳаракат фаоллари, ёшлар тарбиясига масъул олимлар, мутахассислар, давлат тузилмалари, нодавлат, ноҳукумат идоралари вакиллари, жамоат бирлашмалари аъзо-

лари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

— Жамиятимизда жамоатчилик фикрини шакллантиришда, одамларга, омамага муайян турмуш андозаларини тавсия этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс, — деди анжуманини кириш сўзи билан очган нашр бош муҳаррири, таниқли сиёсатшунос олим Акмал Саидов. — Шу нуқтаи назардан олиб қараганда журналнинг махсус сонини ёшлар муаммолари, уларнинг ўй-хаёллари, орзу-умидларига бағишлашимизда ҳам ўзига хос маъно-моҳият муржаббас. Зотан, мамлакатимизнинг буюк келажагини, Ўзбекистоннинг янги ХХІ

асрда жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда шак-шубҳасиз ёш авлодининг ўзига хос ўрни бор. Тўғри, мустакил давлатчилигимиз сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг ўзига мос йўлини танлаб олган дастлабки йилларда бугунги йигит-қизларимиз ҳали ёш эдилар. Аммо, келажакда улар ўзларининг бетакрор истеъдолари, илму камолоти билан бугун биз қураётган буюк давлатнинг мухташам иморатига муносиб гишт қўя оладилар.

Шундан сўнг сўзга чиққан бошқа нотиқлар — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази директори, академик Раёно Убайдуллаевалар ҳам юқорида қайд этилган фикрларни тасдиқлаб, давлатимиз ҳамда кенг жамоатчилик томонидан ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган ишларга кенг тўхталиб ўтдилар.

Тақдимот маросимида журналнинг жамиятни ривожлантириш томонийларига асос бўлувчи ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича ёшлар фикрини акс эттирувчи таҳлилий материалларга кенгроқ ўрин бериш зарурлиги қайд этилди.

Хидирати ПАНЖИЕВ

Шеър

ЎЗБЕКИСТОН МУҚАДДАС ЗАМИН

Хаёт суви шабнамдек азиз,
Кўз ёшидек ширин ва аччиқ.
Ўтмай десанг дунёдан беиз,
Эзгу ишга интил, пешвоз чик.

Кўхна дунё — осмон остида,
Не инсонлар келиб кетади.
Ҳақ юборган ризку насиба,
Ишон, барча элга етади.

Устувордир виждон, адолат —
Гар юракда бўлса соф ният.
Интилганлар етар муродга —
Бўлса яқдил улус-райат.

Олдга интил эй Турон аҳли,
Фарахли кун — куёшдек балқин.
Бул заминга айлайлик таъзим,
Армон билан ўтганлар ҳақи.

Ўзбекистон муқаддас замин,
Жавоҳирга, лаълга ўхшайди.
Бунда эллар хуррам кун сайин,
Элу юрт деб ёниб яшайди.

Аҳли Турон, кенглик қилайлик,
Келди замон тенглик қилайлик.

ЁНГИН ЁРҚИН

Чироқ эрсанг ёнгин ёрқин,
Туну куннинг билиб фарқин.
Ҳар не қилсанг қилгил лекин,
Зинҳор-зинҳор бўлма сотқин.

Дарё бўлиб тошиб оққин,
Қирғоқларга солгин шовқин.
Майли, белга зиннор таққин,
Аммо, зинҳор бўлма сотқин.

Тилу дилинг битта бўлсин,
Мушуқларга тикка боққин.
Уммон кўрмай этик ечма,
Мард бўл, зинҳор бўлма сотқин.

Бутун бўлса сенда иймон,
Эътиқодинг бўлсин ёлқин.
Хоҳ гадосан, хоҳ зодагон.
Зинҳор, ҳеч бор бўлма сотқин.

Хаёт ширин, қулиб боққин,
Ҳаразғўйга бўлма яқин.
Сотқинларга нафрат отгин,
Зинҳор-зинҳор бўлма сотқин.

Забихилло НУРИЛЛО

Бизга маънавий йўлбасиз

КУЛГИ — УМУРЗОҚЛИК ОМИЛИ

Холисона хизмат қилувчи муҳарририят аъзолари, комусий китоблардан бирида «Кулги инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади» дейилган. Бунинг сир-синаотини тушунтириб беришнинг иложи борми?

Фатхулло КАРИМОВ,
Тошкент

Халқ таботати билимдони Г.Ужогов ўз асарларида таъкидлашига қараганда, одам қанчалик хандон ташлаб, самимият билан қулса, чак-чаклашадиган бўлса, бундай ҳолат ҳар қандай кишининг кайфиятининг зиёдалигидан унинг аъзои-раисалари тиним олишидан далолат беради, кулги қон таркибидеги қанд моддасининг пайсийишига омилкорлик қилади, демек қандли диабет хасталигига гоҳ кўяди.

Барчага маълумки, бизнинг халқимиз ҳазил-мutoйиба, давра гурунги, аския каби бир катор кўнгил кўтарувчи, руҳиятга енгиллик берувчи вазиятлар шайдолари ҳисобланади. Кулгининг ҳаётбахшлик омили эканлиги ҳақида кўпгина манбаларда ёритилган.

Ҳаётида лабидан табассум ариманг умри чинорлар кўп бўлган. Озарбойжонлик тарихчи К.Қорақошди ўз даврида Жабраил депарасида истиқомат қилувчи 150 ёшда бўлган Ширин Ҳасанов билан мулоқотда бўлгач, шундай дейди: «Табаррук ёшли ота, тетик, ҳаракатчан, кўринишдан соппа-соғ бўлиб, жамоа ҳўжаги қоровули вазифасини ўтар, авваллари эса чўпонлик қилган. Йилнинг ярмисини қишки манзилда ўтказар, қолган ярмида қир-яйловлар бўйлаб пода ҳайдар эди. Унинг пийда кезган йўллари мингларча чакиримни эгаллайди». Ҳар ҳолда одамнинг умри узок бўлишида ибратли меҳнат, атроф-муҳитнинг покиза бўлиши, ҳарчанд кайфиятнинг зиёда бўлиши билан узвий боғланиш бор.

Ўзимизнинг Тошкент вилоятидаги Қибрай музейидаги Турон ширкат ҳўжалиги Янгиер участкасида Тошота Абдурахимов 104 ёшга кириб баракали, сермазмун умр кўрганлар. Отақоннинг чеҳрасини бутун умр табассум беаган, кулги ҳаёт ҳамроҳи бўлган дейишди.

Буюк файласуф Иммануил Кант «Кулги саломатлик ҳиссиётидан дарак беради, у аъзолардаги асосий ҳаётий жараёнларни фаоллаштиради. Кулги ичакларнинг тўлқинсимон ҳаракатини йўғунлаштиради, диафрагмаги ҳаракатга келтиради, руҳ билан жуссанинг мувофиқлашишига етаклайди», деган.

Зигмунд Фрейд «Ҳазил-мutoйиба одамнинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатувчи ноёб омил, ҳазил эса, даволаниш самарасининг омили» деб билган. Кулги одамнинг бутун нафас олиш аъзоларига ижобий таъсирини кўрсатади, мушаклар тону-

си қувватга киради.

Шарқ табиблари кулги билан даволаш амалларини ҳам қўллайдилар, бу борада Ҳўжа Насриддин ёки Алдар қўса ҳақидаги шингил, қизиқарли латифаларнинг халқимиз орасида нақадар «кулоч отганлигини» таъриф этмаса ҳам бўлади.

Илмий тадқиқотлар томонидан қайд этилган нарса шуки, одамнинг миёсида биокимёвий махсус модда мавжуд бўлиб, у таъсир қўламини билан морфийга ўхшаб кетади. Одам хушхол, кайфияти ниҳоятда зиёдалашган пайтда у ўз навбатида «ички анестезия» (яъни огрикисизлантирувчи) каби таъсир кўрсатиб, огрикни маълум даражада қолдириш ва одамни тинчлантириш хусусиятига эгалик қилади.

Бошқа бир фикрларга кўра, кулги билан даволаш барча кўринишдаги дори-дармонлар ва бошқа табиий воситалар билан муолажа қилинишида самарадорликнинг юқори бўлишида омилкорлиги билан ажралиб туради. Яъни даволаш амалларининг ижобий тус олишига мойиллик яратади.

Эринмаган тадқиқотчилар маълумотларига қараганда, агар одам 5 дақиқа хандон ташлаб қуладиган бўлса, бу ҳолат 40 дақиқали оромни аъзои-раисаларга беради экан.

Кишининг қувноқ, нашидали ҳолатда бўлиши сурункали касалликлардан, уларнинг исқанжасидан осон холи бўлишга мойиллик яратади, улардан жиддий асоратлар қолиши эҳтимолини пасайтиради.

Одамдаги кулги марказлари миёнининг ўнг яримшарларида жойлашган. Табиий ҳол, одам кулганида бўлиниб турувчи нафас бўлади. Киши бир нафас олиш ва чиқариш ўрнига 3-4 мартага айланади. Бундай нафас олиш жисмоний ва руҳий ҳолатни яхшилайди.

Хуллас, киши табиатининг чоғ бўлиши, унинг юзидан табассумнинг аримаслиги нечоғлик киши саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиб ўтиш лозим.

Ҳаётий лаҳза, 90 ёшни қоралаб қолган отақоннинг ўғли қаерда бўлмасин латифа эшитадиган бўлса, уни ён дафтарчасига ёзиб юради. Вақтли матбуот саҳифаларида босилган нарса кишига кулги ути атидиган бўлса харид қилгани қилган. Муборак ёшли ота учун мазкур латифалар барча совға-саломдан афзал экан.

Маннон НАБИЕВ

Спорт

ПОЛВОНЛАРИ-
МИЗ БИРИНЧИ
БЎЛИШДИ

Эроннинг Техрон шаҳрида икки кун давомида кураш бўйича Осиё чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

66,73,81,90 килограммгача ва 90 килограммдан юқори вазнларда ўтказилган кескин ва мурасиз баҳсларда қитъанинг ўндан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган ўзбек кураши усталари ўз куч-маҳоратларини намойиш этиб, галаба учун кураш олиб боришди.

Финал баҳсларида 73 килограммгача вазнда ҳамюртимиз Шерали Тўраев эронлик курашчини енгган ҳолда илк олтин нишонни қўлга киритди. Кейинги вазнда ҳам ҳамюртимиз Рамзиддин Саидов ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишга муваффақ бўлди.

90 килограммгача курашчилар (ўртасида Давлат Чориев (Ўзбекистон) эронлик Аюб Хасанийга галабага ҳеч қандай имконият қолдирмаган ҳолда соф ютуққа эришиб, ҳамюртларимиз жамғармасига учинчи олтин медални тақдим этди.

Ниҳоят, энг енгил ва мулқ вазнларда қитъа чемпионлиги майдон эгалари — эронлик спортчилар Гаффор Мезон ва Али Бейги Мезамларга насиб этди.

Икки кумуш ва учта бронза нишонларини ҳам қўлга киритган мамлакатимиз курашчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

(Ўз мухбиримиз)

ГЎЗАЛЛИК ВА
НАФОСАТ БАЙРАМИ

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида спорт рақслари бўйича «Uzbekistan open — 2004» номли очик Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.



Халқаро турнир мақомини олган очик чемпионатда Ўзбекистон, Россия ва Марказий Осиё республикаларидан йигирма етти жамоа вакиллари бўлмиш 250 нафардан ортиқ спорт рақслари усталари ўз маҳоратларини намойиш этган ҳолда галаба учун кураш олиб боришди.

Шуни айтиш керакки, спорт рақслари бўйича мусобақаларда жуфтликлар ишти-

рок этади, ғолиблар эса икки турдаги дастурда — Лотин Америкаси ва Европа рақслари бўйича ўзаро куч синашадилар. Лотин Америкаси рақслари йўналишида самба, ча-ча-ча, румба, пасодба ва жайв, Европа йўналишида эса вальс, танго, охиста ва тез фокстрот ҳамда квикстен рақслари бўйича иштирокчилар билим-малакаларини кўрсатадилар.

16-18 ёш тоифасида ҳамшаҳарларимиз Зухриддин Охунжонов ва Юлия Цойлар муҳлису мутахассислар олқишига сазовор бўлишди.

Кичик ёшдаги иштирокчилар — 8 ёшли Влад Борисенко ва Карина Сайдуллаевалар ҳам жуда ёш бўлишса-да, барча ўрганган усулларини лозим даражада намойиш этишга интилишди.

Ювонал 2 тоифасида Артём Вилков ва Юлия Ятъяевалар ғолиб чиқишди.

Ўзбекистон чемпионатида илк бор «Соло» тоифаси бўйича ҳам мусобақалар уюштирилди. Унда ҳали ўз шерикларига эга бўлмаган бошловчи спортчилар иштирок этишди. Улар ўртасида айниқса Сергели туманидаги «Альянс» клубида мураббий Яна Бекшеновадан маҳорат сирларини ўрганаётган Вика Маянгина алоҳида ажралиб турди.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро турнир юқори профессионал даражада ташкил этилди. Ғолиб ва совриндорлар қим-



матбаҳо мукофотлар билан тақдирланди.

«Uzbekistan open — 2005» кейинги мамлакат очик чемпионати ўн бешинчиси бўлади ва Наврўз байрами арафасида ташкил этилади. Мусобақа ташкилотчилари навбатдаги рақс байрамининг янада чиройли ўтишини уюштириш мақсадида тайёргарлики бошлаб юборишди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: спорт рақслари бўйича Ўзбекистон очик чемпионатидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР



Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ
БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

● Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 939 110 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 540 396 сўм.

● Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-

уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи — 48 648 225 сўм.

● Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи — 5 775 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Х.Олимжон» майдони, ғарбий томонидида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор ту-

мани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм.

● Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 9-мавзе, Мирзаахмедов ва Қорақамий кўчалари кесишмасида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино. Бошланғич нархи — 14 638 573 сўм.

● «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:

— станок СМЖ-357. Бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар —

133-28-95, 136-57-65;

факс: (3712) 133-21-56.

Халқин — 2 босма таъриф офсет усулида босилади.

4680 нускада босилади. Қўғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлашлаган почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилиди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.